

ТЕЛЕ-ТИББИЁТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДАГИ ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Юсупова Фарингиз Уктам қизи

ТДЮУ “Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7231774>

Аннотация. Ҳозирги вақтда теле-тиббиёт хизматларини ҳалқаро ҳуқуқий асоси сафтида ушбу соҳада ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами мавжудлигини ва уларда демократик давлатлар томонидан қафолатланган тиббий ёрдамни олиш соғлиқни сақлаш ва фаровонликни сақлаш, инсонларнинг ҳаётга ва соғлиққа булган умумэтироф этилган ҳуқуқлари мавжудлигини айтишимиз мумкин, ушбу моқалада теле-тиббиётнинг роли қонун ижодкорлиги мисоллари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: халқаро соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, Халқаро соғлиқни сақлаш қоидалари, теле-тиббиёт, теле-технологиялар.

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ДОКУМЕНТЫ ПО ПРЕДОСТАВЛЕНИЮ ТЕЛЕМЕДИЦИНСКИХ УСЛУГ

Аннотация. В настоящее время можно констатировать наличие комплекса международно-правовых документов в данной сфере как международно-правовой основы телемедицинских услуг, в которых закреплены общепризнанные права людей на жизнь и здоровье, на получение медицинской помощи, гарантированные демократическими странами, для поддержания здоровья и благополучия, роль телемедицины в данной статье рассматривается в связи с примерами правотворчества.

Ключевые слова: международное право в области здравоохранения, Международные медико-санитарные правила, телемедицина, теле-технологии.

INTERNATIONAL LEGAL DOCUMENTS ON THE PROVISION OF TELE-MEDICAL SERVICES

Abstract. Currently, we can say that there is a set of international legal documents in this field as the international legal basis of telemedicine services, and in them there are universally recognized rights of people to life and health, to receive medical care guaranteed by democratic countries, to maintain health and well-being, the role of telemedicine in this article considered in connection with examples of law-making.

Keywords: international health law, International Health Regulations, tele-medicine, tele-technologies.

КИРИШ

Умуминсоний қадриятларга инсон ҳаёти ва саломатлиги асосий урин тутади, рақамли технологияларни ривожланиши трансмиллий характерга эга булиб умумэтироф этилган ҳуқуқлардан бир қисми ҳисобланади..

Соғлиқни сақлаў соҳаси ҳозирги вақтда жуда катта йўл босиб ўтди теле-тиббиёт хизматларини кўрсатишда ижтимоий аҳамиятини юқори бўлганлиги ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, аксарият хорижий давлатларда соғлиқни сақлашнинг ижтимоий фойдаси бу аҳолини соғлиғини сақлаш омили ҳисобланилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Соғлиқни сақлаш соҳасининг тарихига назар соладиган бўлсак давлатлар ўртасида XIX-асрнинг ўрталарида вабо касалигининг тарқалиши тиббиёт соҳасида биринчи ҳалқаро

хужжат қабул қилиниши лозимлиги курсатган. Вабо касалигининг тарқалиши олдини олиш бўйича 1851 йилда Парижда биринчи халқаро конференция ташкил этилган. Бироқ, унинг натижалари бўйича имзоланган Конвенция давлатлар ўртасида кенг тан олинмаган ва амалий қўлланилмаган[1]. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасидаги биринчи халқаро хужжат сифатида 1892 йилда имзоланган Халқаро санитария конвенцияси ҳисобланади[2].

1923 йилда Миллатлар Лигаси қошида соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилган, ушбу ташкилот замонавий Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти самарали иш фоолиятини олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун хизмат қилган. Бундан ташқари, тадқиқотчилар қайд этишича Миллатлар Лигаси қошидаги соғлиқни сақлаш ташкилоти касалликларни, ҳолатни ҳисобга олишнинг статистик усулларини жорий этишган ва улар томонидан соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган халқаро амалиётга оид бўлган кўплаб саволлар урганилган[3].

Ҳозирги кунда ЖССТдан ташқари, бир қатор халқаро нодавлат ташкилотлар мавжуд улар турли йилларда ташкил этилган ва турли ҳил масалаларга қаратилган шу жумладан Жаҳон тиббиёт ассоциацияси (1947), Тиббиёт ҳуқуқи бўйича Жаҳон ассоциацияси (1967), Халқаро биоэтика ассоциацияси (1992) ва бошқалар. Бундай уюшмаларнинг саъй-ҳаракатлари билан конгресслар ўтказилади, уларда тиббиёт соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш ва техник жиҳатдан соғлиқни сақлашни рақамлаштириш, тартибга солиш масалалари муҳокама қилинади.

Ҳозирги вақтда теле-тиббиёт хизматларини халқаро ҳуқуқий асоси сафтида ушбу соҳада халқаро ҳуқуқий хужжатлар тўплами мавжудлигини ва уларда демократик давлатлар томонидан қафолатланган тиббий ёрдамни олиш соғлиқни сақлаш ва фаровонликни сақлаш, инсонларнинг ҳаётга ва соғлиқа булган умумэтироф этилган ҳуқуқлари мавжудлигини айтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, шуни айтиб утиш жоизки инсонларнинг соғлиқа бўлган ҳуқуқлари табиий ҳуқуқлардан бири булиб у комплекс характерга эга. У ўз ичига халқаро ҳуқуқий хужжатларда кўрсатилган бир қатор ҳуқуқларни олади жумладан ишончли ва ўз вақтида берилган маълумотларни олиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлар.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига оид бўлган кўплаб халқаро ҳуқуқий хужжатлар мавжуд улар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Низоми[4]. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт[5]. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференцияси декларацияси (Техрон, 1968) [6]. Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация (1979) [7]. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1989) [8]. ва бошқалар.

Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи оид булган минтақавий характерга эга бўлган халқаро хужжатлар ҳам мавжуд улар Европа ижтимоий Хартияси[9], МДХга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенция[10].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ахборот жамияти ва рақамли трансформация шароитида АКТдан фойдаланган ҳолда инсон ҳаёти ва соғлиғига оид кўплаб янги усуллар ишлаб чиқилмоқда. Глобал

ахборот жамиятини ривожлантириш ва тартибга солиш учун кўплаб халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда давлатлар томонидан ратификация қилинмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти теле-тиббиёт соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўп маротаба такидлаб ўтган бу эса унинг ривожланиш омилларидан бири сифатида тавсифланган[11].

Теле-тиббиёт учун шахсий маълумотларни қайта ишлаш масалаларини тартибга солиш айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида кўра 2016 йил соғлиқни сақлашда шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши қайд этилган[12]. Бундан ташқари, Жаҳон тиббиёт ассоциациясининг “теле-тиббиёт этикаси”ни ишлаб чиқиш буйича маълумотномаси ҳам мавжуд[13].

Рақамли технологияларни жадал ривожланиши билан турли онлайн хизматлар ҳам ривожланиб бормоқда бу эса шахсий маълумотларни халқаро жиҳатдан ҳимоя қилиш лозимлигини кўрсатади.

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳозирги вақтда бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд, улардан бири Жисмоний шахсларнинг автоматлаштирилган ҳолда шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш туғрисидаги Конвенцияси[14].

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар Хартияси шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш асосий инсон ҳуқуқларидан бири сифатида тан олади[15]. Европа Иттифоқида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларини тартибга солишда ахборот-коммуникация технологияларни замонавий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади ва Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш туғрисидаги низом асосий рол ўйнайди[16].

Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш туғрисидаги Низомда давлат маълумотлари, саломатлик ва генетика туғрисидаги маълумотлар алоҳида муҳим тоифалардан бири ҳисобланилади ва қайта ишлаш учун алоҳида асослар булиши лозим.

Хусусан, рухсат этилган асосларга маълумотлар субъектининг розилиги, ҳаётий ҳимоя қилиш зарурати маълумотлар субъектининг манфаатлари, жамоат манфаатлари, шунингдек, аниқ белгиланган тиббий мақсадларда: касалликнинг олдини олиш, даволаш, тиббий кўриқдан ўтказиш ишга қабул қилиш, тиббий диагностика, таъминлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тиббий ёки ижтимоий хизматлар Европа Иттифоқи ёки аъзо давлатнинг миллий қонунчилиги ёки келишув маълумотлар субъекти ва тиббиёт мутахассиси ўртасида тузилган булиши лозим.

Халқаро тиббиёт этикаси туғрисидаги Кодексда ҳар бир шифокор беморларга ҳурмат билан муурожаат қилиши лозимлиги ва беморлар туғрисидаги ҳар бир маълумотни махфийлини сақлаш ва тиббий маълумотларни ошкор қилмаслик лозим, истисно тариқасида агарда беморнинг розилиги ёки унинг ҳаётига соғлиғига таҳдид солувчи маълумотлардан ташқари[17].

Теле-тиббиёт хизматларини кўрсатишни миллатлараро тартибга солиш Европа Иттифоқида ривожланган. Европа Иттифоқи томонидан яна бир асосий ҳужжат сифатида “Беморларнинг трансчегаравий тиббиёт хизматларидаги ҳуқуқлари” ҳақидаги Декларация[18] ушбу ҳужжат билан Европа тиббиёт ташкилотларининг, трансчегаравий ҳамкорлиги ва теле-тиббиёт хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш кўрсатиб утилган Ушбу Декларацияга мувофиқ теле-тиббиёт хизматларидан фойланаётган ҳар бир бемор ҳоҳлаган Европа Иттифоқи давлатлардан тиббий ёрдам олиш, тиббиёт усулларидан фойдаланилганда тиббий суғурта товонлари олиш, ўзларига тегишли бўлган тиббий маълумотларни олиш, электрон тиббий карта маълумотлари билан танишиш шунингдек теле-тиббиёт хизматларини кўрсатиш қондалари, уларнинг хавфсизлиги туғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Шунга қарамай А.В. Попова фикрига кўра Европа Иттифоқида теле-тиббиёт хизматларидан фойдаланишда умумий стандарлар ва теле-тиббиёт тушунчасининг умумий тариф мавжуд эмас"[19] Кўпгина телетиббиёт фаолиятининг ҳуқуқий масалалари жумладан электрон тиббий ҳужжатларнинг ҳуқуқий режими, маълумотлар махфийлиги ва жавобгарлик Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигида ҳал қилинади.

2010-йил октябр ойида “Телетиббиёт тўғрисида”ги[20] МДХ давлатлари ўртасида намунавий қонун қабул қилинган, ушбу ҳужжат МДХ давлатларининг миллий қонунчилигини уйғунлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳужжатда ушбу соҳадаги бир қатор асосий тушунчалар, давлат сиёсати, ташкилотлар томонидан хизматлар кўрсатишни ташкил этиш тартиби, телетиббиёт тизими субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ва бошқа масалалар ва саволлар бўйича таклиф қилинган йечимлар мавжуд.

2010 йил ноябр ойида МДХ давлатлари ўртасида телетиббиёт тизимларидан фойдаланиш, яратиш ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди[21], ушбу битим билан жойи, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатдан қатъи назар соғлиқни сақлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек миллий соғлиқни сақлаш соҳани такомиллаштириш юзасидан кўпгина шартномалар, концептуал аппарат белгиланган. Давлатлар ўртасида теле-тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ва уларни ташкил қилиш биринчи навбатда- бу шахснинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, беморни маълумотларни қайта ишлаш, хабардор қилиш уларнинг махфийлигини сақлаш, шахсий маълумотларни нотўғри ишлатишдан ҳимоя қилишни таъминлаб беради.

Ушбу Битимда давлатлар ўз миллий қонунчилигида теле-тиббиёт тизимини ҳуқуқий тартибга солишлари ва керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишлари лозимлиги, ушбу тизим бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини белгилаш лозимлиги ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, давлатлар ўртасида ахборот тўплаш ва ундан фойдаланиш, ахборотларни махфийлигини сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш зарурлиги келтирилган.

Юқорида, келтирилган Битимнинг асосий мақсади сифатида теле-тиббиёт соҳасида давлатлараро ахборот алмашинувини таъминлаш кўзда тутилган[22].

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг биринчи ярмида коронавирус COVID-19 тарқалиши натижасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва ҳимоя қилиш учун энг зарур бўлган таваларни етказиб бериш; пандемия оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш учун Евроосиё иқтисодий иттифоқи томонидан кўплаб янги қарорлар қабул қилишни талаб қилди[23].

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Евроосиё иқтисодий иттифоқида иштирокчи давлатлари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида рақамли ривожланиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширилмоқда. Бироқ, давлатларининг ҳеч бири соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш юзасидан махсус қонун ҳужжатлари қабул қилмаган[24].

Теле-тиббиёт хизматларини тартибга солиш учун биринчи навбатда техник жиҳатдан тартибга солиш зарур. Ушбу кўриб чиқилаётган соҳада буйича кўплаб давлатлараро ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Теле-тиббиёт хизматларини техник жиҳатдан тартибга солишнинг аҳамияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарурати билан белгиланади.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тобора ошиб бораётган иқтисодий талаблари, халқаро бозорларга чиқиш эҳтиёжи Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ушбу ташкилот доирасидаги барча йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишнинг ҳуқуқий асосларини яратишни тақозо этмоқда. Шунингдек иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва меҳнат миграцияси каби муҳим соҳаларда ахборот алмашинувини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг фаол ташқи иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида кузатувчи мақомида иштирок этаётганлиги интеграциялашув жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Теле-тиббиёт хизматларини тартибга солаётган халқаро ҳужжатларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики ҳозирги вақтда теле-тиббиёт хизматларини ҳамда шахсий маълумотларни химоя қилиши борасида давлатлараро миллий тартибга солиш механизмлари яратилмоқда.

ХУЛОСА

Бирок, шуни таъкидлаш жоизки теле-тиббиёт фаолияти, беморларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш юзасидан батафсил тартибга солувчи махсус халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳали қабул қилинмаган.

REFERENCES

1. См.: Гнатик Е.А., Долженкова Ю.В. Международное медицинское право: история и перспективы развития // Вестник РУДН. Серия Юридические науки. 2014. № 2. С. 282.
2. Международные медико-санитарные правила (2005 год). Приняты Всемирной организацией здравоохранения 23 мая 2005 г. № А58/55 // Документ официально опубликован не был. СПС «Кодекс».
3. См.: Гнатик Е.А., Долженкова Ю.В. Указ. соч. С. 283.
4. Юсупова Фарингиз СТАТЬЯ 40 КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАК ГАРАНТИЯ РЕПРОДУКТИВНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/statya-40-konstitutsii-respubliki-uzbekistan-kak-garantiya-reproduktivnyh-prav-grazhdan> (дата обращения: 18.10.2022).
5. GAFUROVA N. ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ И ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН // ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 78-87.

6. F.Yusupova ТИББИЁТ ҲУҚУҚИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР // SAI. 2022. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tibbiyot-u-u-ini-tartibga-soluvchi-hal-aro-mehanizmlar-3> (дата обращения: 18.10.2022).
7. Юсупова Ф. ТЕЛЕМЕДИЦИНСКИХ, ИСТОРИЯ РАЗВИТИИ И. ПРИМЕНЕНИИ, and ТЕХНОЛОГИЙ В. РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. "GOSPODARKA I INNOWACJE."
8. Юсупова Ф. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕЛЕ-ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ // Academic research in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 9. – С. 243-245.
9. Европейская социальная хартия (пересмотренная) (принята в г. Страсбурге 3 мая 1996 г.) // Бюллетень международных договоров. 2010. № 4. С. 17–67.
10. [https://nrm.uz/contentf?doc=40918_konvenciya_sodrujestva_nezavisimyh_gosudarstv_o_pravah_i_osnovnyh_svodah_cheloveka_\(minsk_26_maya_1995_g_\)&products=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistan](https://nrm.uz/contentf?doc=40918_konvenciya_sodrujestva_nezavisimyh_gosudarstv_o_pravah_i_osnovnyh_svodah_cheloveka_(minsk_26_maya_1995_g_)&products=1_zakonodatelstvo_respubliki_uzbekistan)
11. См.: A Health Telematics Policy in support of WHO’s Health-for-All Strategy for Global Health Development. Report of the WHO Group Consultation of Health Telematics. 11–16 December, Geneva, 1997. URL: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/63857/WHO_DGO_98.1.pdf;jsessionid=8BDBE1063D7A0810D9AC40E01F9D3337?sequence=1 (дата обращения: 01.02.2021); Телемедицина.
12. Возможности и развитие в государствах-членах. Доклад о результатах второго глобального обследования в области электронного здравоохранения. Серия «Глобальная обсерватория по электронному здравоохранению». Том 2. Всемирная организация здравоохранения. 2012. URL: https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/44497/9789244564141_rus.pdf?sequence=4&isAllowed=y (дата обращения: 01.02.2021).
13. См.: Global diffusion of eHealth: Making universal health coverage achievable. Report of the third global survey on eHealth. World Health Organization. 2016. URL: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/252529/9789241511780-eng.pdf?sequence=1> (дата обращения: 26.02.2021).
14. WMA Statement on the Ethics of Telemedicine. URL: <https://www.wma.net/policies-post/wma-statement-on-the-ethics-of-telemedicine/> (дата обращения: 26.02.2021).
15. Конвенция о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных (заключена в г. Страсбурге 28 января 1981 г.) // СЗ РФ. 2014. № 5. Ст. 419.
16. Хартия Европейского союза об основных правах (Страсбург, 12 декабря 2007 г.) 2016/C 202/02 // Текст официального перевода опубликован не был. СПС «Гарант».
17. Regulation (EU) 2016/679 of the European Parliament and of the Council of 27 April 2016 on the protection of natural persons with regard to the processing of personal data and on the free movement of such data, and repealing Directive 95/46/EC (General Data Protection Regulation). URL: <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX:32016R0679> (дата обращения: 17.03.2021).
18. Международный кодекс медицинской этики. Принят 3-й Генеральной Ассамблеей Всемирной медицинской ассоциации. URL: www.wma.net/policies-post/wma-international-code-of-medical-ethics/ (дата обращения: 09.03.2021).

19. Директива Европейского парламента и Совета Европейского Союза 2011/24/ЕС от 9 марта 2011 г. «О правах пациентов в трансграничном медицинском обслуживании» // Текст перевода на русский язык официально не опубликован. СПС «Гарант».
20. Попова А.В. Телемедицина в России и за рубежом: к вопросу о правовом регулировании // Вестник Московского городского педагогического университета. Серия: Юридические науки. 2019. № 1 (33). С. 55–56.
21. Модельный закон о телемедицинских услугах (Принят в г. Санкт-Петербурге 28 октября 2010 г. Постановлением 35–7 на 35-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ).
22. Соглашение о сотрудничестве государств – участников СНГ в создании совместимых национальных телемедицинских систем и дальнейшем их развитии и использовании (Санкт-Петербург, 19 ноября 2010 г.).
23. См.: Соглашение о сотрудничестве государств – участников СНГ в создании совместимых национальных телемедицинских систем и дальнейшем их развитии и использовании (Санкт-Петербург, 19 ноября 2010 г.)
24. См.: Распоряжение Евразийского межправительственного совета от 10 апреля 2020 г. № 6 «О предпринимаемых в рамках Евразийского экономического союза мерах, направленных на обеспечение экономической стабильности в условиях развития пандемии коронавирусной инфекции COVID-19» // Официальный сайт Евразийского экономического союза. URL: <http://www.eaeunion.org/>, 16.04.2020.